

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

Хазорасп тумани

«5» август 2022 йил

Хазорасп тумани мактабгача талими бўлими кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган номидан низом асосида иш курувчи **Х Абдурашулова** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **"Абу бакр строй" МЧЖ** номидан низом асосида иш курувчи **М.Нуруллаев** иккинчи томондан «Хазорасп тумани мактабгача талими бўлимига қарашли 2- сон МТТ биносини жорий тамирлаш учун» мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги таърифлар қўлланилади:

- **ижро ҳужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган узғаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;
- **қурилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;
- **вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;
- **беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
- **шартнома нархини бўлиб чиқиш** – ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиллаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Хазорасп тумани мактабгача талими бўлимига қарашли 2-сон МТТ биносини жорий тамирлаш бўйича қўзда тутилган лойиҳа ҳужжатлари бўйича мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий тамирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БҮЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошқа харажатларини уз ичига олган ҳолда жорий нархларда **164 339 350_сўмни** ташкил этади.
4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
- қурилиш қийматини қупайтиришга снгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
 - ишлар қиймати Буюртмачи томонидан узғартирилганда;
 - объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқ муддатга узғартирилганда.
5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб утилган узғаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг қучлари ёки жалб қилинган қучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топишириш;
 - қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлашни таъминлайди;
 - қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
 - Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор қилиш;
 - қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари урнатиш;
 - қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
 - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб – ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатилиш;
 - қурилиш майдони қуриқланишини таъминлаш;
 - қурилишда таваккалчилик сугуртаси учун белгиланган суммага сугурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик сугуртаси тугрисида шартнома тузади ва сугурта шартномаси билан сугурта полисини бюртмачига тақдим қилади.
 - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.
8. Пудратчи мавжудлигини қафолатлаган узининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат курсатувчи банк томонидан берилиши қафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада қўзда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.
9. Пудратчи объектни фойдаланишга топишириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи ҳужжатларни (исполнительная документация) тулик ҳажмда тақдим қилади.
10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг уз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топиширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

V. БҮЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

Қуриб чиққан юрист: XUDAYNAZAROV IBRAGIM XXX. Ҳужжат рақами: MK0417787065

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллаш булган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олиш таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада қўзда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулик мулкый жавоб беради.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб қўчга қиради.

14. Пудратчи мазкур шартномага йлова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ишларни бажаради

15. Қурилиш ишлари бажариш муддати 30 календар кунни ташкил этади.

VII. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича узаро ҳисоб-китоблар миллий валюта - «сўмда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорда аванс утказди, бу **49 301 805 сўм**

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун бюджетдан мақсадли берилган маблағлар уч банка кунда молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида амалга оширилади.

19. Буюртмачи томонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар ҳажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин ҳақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган ҳолда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширилади.

20. Пудратчининг ҳисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур булган материаллар, техника ресурслари, меҳнатга ҳақ тулаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тулаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига қатъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун ҳисобот ойнинг охириг қўнунгача ва якуний молиялаштириш учун ҳисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари туғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати туғрисидаги маълумотнома ҳисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний ҳисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сунг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати туғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-варақ-фактура» асос бўлади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлайди. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танилиш ҳуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида қўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига қийдий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз қўчлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни қелишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг қечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларни бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар қўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинлиши, утказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан қичиши туғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтерида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда қўрсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини қуриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ТАРАФЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУРАШИШ БЎЙИЧА МАЪСУЛИЯТИ.

31. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши қўрашиш туғрисида"ги қўнун талабларига сўзсиз амал қилади.

32. Тарафлар, уларнинг вақиллари ва ҳодимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қўнун бузилишга олиб қеладиған қаракатлар(қаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

33. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қўрашиш соҳасидаги амалдаги қўнун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қўйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар: - пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш; товламачилик, ёки бошқа қўнуний йўллар билан пора олишга ундаш; - пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

34. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:
- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.
35. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.
36. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 7.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир йетилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

37. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.
- Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзасига келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.
38. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ вақтга қузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.
39. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. КАФОЛАТЛАР.

40. Пудратчи:
- барча ишларни тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
 - лойиха ҳужжатларига ҳамда қўрилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;
 - ўзи томонидан қўрилиш учун кулланиладиган қўрилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;
 - ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вақтида бартараф қилишни;
 - объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.
- Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.
- Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада қўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 5% миқдорда жарима солиш ҳуқуқига эга.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

41. Буюртмачи:
- шартнома қучга қирғандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўпроқ вақтга кечиктирилганда;
 - ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
 - Пудратчи томонидан шартнома шартлари қўрилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
42. Пудратчи:
- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга қўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
 - Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
43. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қўра тугалланмаган қўрилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.
44. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидаига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
45. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.
46. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

47. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Ҳужалик юридувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи томонга етказилган зарарларни қўплайди.
48. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда қўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида қўйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:
- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш қўзда тутилган ишларнинг бажарилмаган қисмининг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - буюртмачининг ҳисоб рақамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини ўч банка қўнида сабабсиз пудратчининг ҳисоб рақамига ўтказиб бермаса ўшлаб турилган сумманинг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - шартномага мувофиқ ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар ҳажмини асоссиз равишда қабул қилиб тасдиқлашдан бош торгани учун ушбу қабул қилиш, тасдиқлашдан бош торган сумманинг 5% миқдорда жарима тулайди;
 - шартнома шартларига мувофиқ тайёр қўлда қабул қилиш учун тақдим қилинган объектни асоссиз равишда қабул қилишдан бош торса шартнома қийматининг 5% миқдорда жарима тулайди;
49. Мазкур шартномада қўзда тутилган ва тегишли иловаларда қўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида қўйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам ҳажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмидан ҳар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тулайди.

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан ҳисобот ойнанинг охириг кунига қадар тасдиқлатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди.

-Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган қисмининг 5% миқдорида жарима тулайди.

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аниқланган камчиликлар, нуқсонлар ва сифатсиз

бажарилган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди.

50. Агарда томонлардан бири уз реквизи́тларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва узгарганлиги туғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи томонга ёзма хабар бермаса айбдор томон иккинчи томонга шартнома баҳосининг 0,1% миқдорида жарима тулайди.

51. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор томон иккинчи томонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

52. Тамонларнинг мулкӣй жавобгарликка тортилиб тулайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

53. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкӣй талабларини далолатнома асосида тулов талабномаси бўйича ақцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

XIV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

54. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган барча низоли масалаларни томонлар муҳокама билан қилишувга эришмасалар, у ҳолда улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

XV. АЛОХИДА ШАРТЛАР

55. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро қилишувлари уз кучини йўқотади.

56. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиб ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

57. Мазкур шартномага киритилган барча узгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқӣй ҳисобланади.

58. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан қилиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

59. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

60. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги қилишилган суммаси меъёрий-қонун ҳужжатларига К.К.С. туғрисида узгартиришлар киритилса қайта қуриб чиқилади.

61. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари қўлланилади.

62. Мазкур шартнома Бюджет кодексининг 122-моддасига асосан Ғазначилик бўлиномаларидан рўйхатдан ўтгандан қўндан бошлаб қонунӣй қучга қиради.

63. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

64. Шартномани амал қилиш муддати «31» Декабр 2022 йилгача.

XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

ПУДРАТЧИ:

БУЮРТМАЧИ:

"Абу бакр строй" МЧЖ	Хазорасп туман мактабгача талими бўлими
Манзили: Урганч туман Юкори Дурман кишлоғи Мергановул МФЙ	Манзили: Хазорасп тумани Э Гаязов 6-уй
Тел/факс: +998997372666	Тел/факс: 62 33 25 279
х/р:20208000600940508001	ш/х 100022860332207091100251021
ИНН: 305843545	ИНН 305 174 254 ОКОНХ:
ОКОНХ: 41121	Молия Вазирлиги Ғазначилиги
Банк: Урганч ш Чет эл капитали иштирокидаги «Хамкорбанк» АТБ Хоразм минт.филиали	Ғазна х/в : 23402000300100001010
МФО: 01161	Банк : Марказий банк Тошкент ш ХККМ
	МФО : 00014 ИНН: 201122919

М.У.  М.Нуруллоев

(Имзо)



(Имзо)

Х Абдурасулова

Ҳуқуқшунос

« _____ »
(имзо)

(ФИШ)

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Joriy ta'mirlash tugrisida.

3. Hazorasp tuman maktabgacha ta'lim bulimi (keyingi o'rinlarda "MTB") "Buyurtmachi" nomidan nizomi asosida ish yurituvchi rahbari X. Abdurasulova bir tomondan, "Abu bakr stroy" ma'suliyati cheklangan jamiyati (keyingi o'rinlarda Pudratchi) nomidan nizom asosida ish yurituvchi rahbari M. Nurullaev ikkinchi tomondan "Xazorasp tumani maktabgacha ta'lim bulimiga karashli № 2 son MTT" binosini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish uchun umumiy summasi 164 339 350 (bir yuz oltmish turt million uch yuz uttiz tukkiz ming uch yuz ellik) so'mni tashkil qiluvchi shartnoma loyihasi ishlab chiqilgan.

4. Mazkur shartnoma loyixasi Hazorasp tuman maktabgacha ta'lim bulimi tomonidan 2022 yil 05 avgust kuni Hazorasp tumani yuridik xizmat kursatish markaziga yuborilgan.

Mazkur shartnoma loyixasi amaldagi konun xujjatlariga muvofik ishlab chikilgan va uni kabul kilish maksadga muvofik.

Hazorasp tumani yuridik xizmat

kursatish markazi bosh yuriskonsulti

2022 yil «05» avgust.




I. Xudaynazarov

PK: 2020 8000 3050 6231

КУРИЛИШ ТАВАККУЛТИНИНГ СУГУРТАЛАШ БЎЙИЧА

14-048/02082 - СОНЛИ СУГУРТА ПОЛИСИ

1. СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИ:		"Абу бакр строй" МЧЖ	
2. СУГУРТА ҚИЛДИРУВЧИНИНГ МАНЗИЛИ:		Урганч туман Юкоридурман кишлоғи Мергановул МФЙ	
3. БУЮРТМАЧИ:		Хазорасп тумани мактабгача таълим булими	
4. ҚУРИЛИШ ОБЪЕКТИ:		Хазорасп тумани мактабгача таълим булимига қарашли 2-сон МТТ	
5. ҚУРИЛИШ ОЛИБ БОРИЛАЁТГАН МАНЗИЛ:		Хазорасп тумани	
6. ҚУРИЛИШ БАҲОСИ:		164 339 350,00 (бир юз олтинш тўрт миллион уч юз уттиз тўққиз минг уч юз эллик) сўм	
7. СУГУРТА ШАРТНОМАСИ МУДДАТИ:		08.08.2022 йилдан	31.12.2022 йилгача
8. СУГУРТА ПОЛИСИ МУДДАТИ:		08.08.2022 йилдан	31.12.2022 йилгача
9. СУГУРТА ПУЛИ:		131 471 640,00 сўм (бир юз уттиз бир миллион тўрт юз етмиш бир минг олти юз қирк) сўм.	
Шу жумладан:	Моддий зарар		
	Жавобгарлик	131 471 640,00 сўм (бир юз уттиз бир миллион тўрт юз етмиш бир минг олти юз қирк) сўм.	
10. СУГУРТАЛАНГАН ҚАЛТИСЛИКЛАР:		Ҳар қандай қўтилмаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ҳодисалар натижасида сугурталанган мулкнинг шикастланишига ёки нобуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳақиқатда содир бўладиган воқеалар, яъни ёнғин, қақмоқ, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёниш, ўғирлик ва учинчи шахсларнинг қасоддан содир этган ҳаракатлари, сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, zilzila, сел, қўчки, тупроқнинг қўқиши, ўпирилиш, қулаш, қисқа туташув, оптиқча қулаши, электр ёйлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши, нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўлашдан қўрилган зарар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдидан фуқаролик жавобгарлигининг пайдо бўлиши.	
ФРАНШИЗА:		0%	
11. ЖАМИ СУГУРТА МУКОФОТИ:		260 000,00 (икки юз олтинш минг) сўм.	
12. ТўЛАНГАН СУГУРТА МУКОФОТИ:		260 000,00 (икки юз олтинш минг) сўм.	
Махсус шартлар: Сугурта шартномаси шартларига мувофиқ сугурта мукофоти ўз вақтидан кейин тўланса, Сугурта шартномаси (Сугурталовчининг мажбуриятлари) қилинган сугурта мукофоти тўланган пайтдан бошлаб қучга қиради. "IMKON-SUG'URTA" АЖ мажбурияти 2022 йил 08 августдан қучга қиради ва 2022 йил 31 декабр соат 24.00 гача амал қилади. (иккала санани ичига олиб).			
Сугурталовчи номидан			
Хоразм вилояти филиали			
директори Б.И.Хасанов			
 ИМЗО			
		Берилган санаси:	
		08.08.2022 йил	

ИС 0272080

10

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН